2008 ЙИЛ, 1 АВГУСТ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 148 (11.209) Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ВА УЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбар ҳамда педагог кадрларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш ва унга ҳақ тўлашнинг юксак касб маҳоратини намоён этган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан катта ҳисса қўшаётган иқтидорли педагогларни рағбатлантиришни кўзда тутувчи сифат жиҳатдан янги механизмини жорий этиш, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж сезилаётган малакали мутахассислар тайёрлашда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг:

2008 йил 1 сентябрдан бошлаб педагог ва раҳбар ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилашга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг объектив, очиқ-равшан механизмини татбиқ этишга асосланган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида юқори касб маҳоратига эга бўлган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан аниқ ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, кўрсатиб ўтилган муассасалар ходимларига бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан уларни рағбатлантириш учун Директор жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар белгилансин:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари – касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ташкил этилади;

Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ҳузурида тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ҳамда Васийлик кенгаши, педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган, ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан тасарруф этилади.

3. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорларининг, ўқув ишлари, касбий таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг иш ҳақи миқдорлари Ягона тариф тизими бўйича амалдаги ставкаларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

4. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ:

гуруҳ раҳбарлиги учун – энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача;

ёзма ишларни текшириш учун – энг кам иш ҳақининг 30 фоизидан 50 фоизигача;

ўқув ва лаборатория кабинетларига мудирлик учун – энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан 50 фоизигача оширилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида юқори касб маҳоратига эга бўлганлиги ва ўқув-тарбия жараёнига шахсан ҳисса қўшганлиги, таълим беришдаги юқори самарадорлиги ҳамда сифати, ўқувчиларнинг касб-ҳунар кўникмалари ва билимларини ривожлантирганлиги, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар олиб борганлиги учун Директор жамғармасидан уларга базавий тариф ставкаларининг 40 фоизигача миқдорида ойлик устама ҳақ тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомни;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 30 июль*

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ПОЙТАХТИМИЗ ЎЗГАЧА ЧИРОЙ ОЧИБ, ТАНИБ БЎЛМАС ДАРАЖАДА ЯНГИЛАНМОҚДА, ГЎЗАЛЛИК КАСБ ЭТМОҚДА. ШАҲРИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ ВА ШУНИНГ БАРОБАРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА КЎРА УШБУ ҚУТЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА ТАРАДДУД АВЖИДА.**

17 ЙИЛ МУСТАҚИЛЛИК



## КЎПРИКСОЗЛАР ҒАЙРАТИ





Айни пайтда шаҳримизнинг қайси ҳудудида бўлманг, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз ва ана шундай қурилиш объектларида ёзнинг ғанимат дақиқаларидан унумли фойдаланаётган толмас қўлли бунёдкорларнинг меҳнату маҳорати намойиши бўлиб кўрк очаётган ҳар бир иншоот кўзларни қувнатиб, дилларни яйратади, фахр туйғусини уйғотади.

Мустақиллик шарофати билан нафақат муҳташам бинолар қад ростлади, шунингдек, кенг ва равон кўчалар қурилди, таъмирланди ҳамда замонавий ва мустаҳкам кўприклар бунёд бўлди. Истиқлолнинг шукуҳли кунлари тобора яқинлашиб келаётган айни дамда пойтахтимизнинг «Тошкент» Шимолий темир йўл вокзали яқинидаги Мирсолиҳов кўчасида янгидан қад ростлаётган замонавий темир йўл кўпригида бунёдкорлик ишлари авж олган. Йиллар давомида хизмат қилган эски кўприк бузилиб, ўрнига талаблар даражасидаги қулай ва мустаҳкам, бирмунча кенг кўприк қурилмоқда.

Мазкур янги кўприк лойиҳасини «Боштранслойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти мутахассислари тайёрлашган ва унинг бош пудратчиси, аввал хабар берганимиздек, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясига қарашли «Кўприкқурилиш» трестининг 13-кўприк қурилиши отрядидир. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу кўприк фойдаланишга топширилса, темирйўл, автомобиль транспортлари, трамвай ҳамда йўловчилар қатнови учун катта қулайлик туғилади. Чунки кўприк энига ва бўйига кенгайиб, тахминан 50 метрни ташкил этади. Шунингдек, эни олти метрлик икки томонлама пиёдалар йўлагини ҳам ўз ичига олади.

Шуни мамнуният билан айтиш лозимки, ҳозирги кунда қурилиш майдонида 400 нафарга яқин ўз касбининг усталари меҳнат қилишмоқда ва иншоотни барча қулайликлари билан Истиқлол байрамига туҳфа сифатида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Шу боис ҳам бу ерда иш қайнамоқда, техника воситалари, бунёдкорлар бир зум ҳам тиним билмайди. Ҳозиргача темир йўл кўприги қуриб битказилиб, унинг устидан поездларнинг дастлабки техник ҳаракати синовдан ўтказилди, кўприк остидан ўтадиган трамвай йўлида қатнов амалга оширилди.

—Ҳозирги пайтда кўприк қурилишида бошқа кўзда тутилган ишлар, яъни иншоот остидан ўтадиган автомобиль ва трамвай йўллари таъмирланиб, икки томонлама пиёдалар йўлаги қурилишида пардозлаш юмушлари, ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда,—дейди 13-кўприк қурилиши отряди бош муҳандиси ўринбосари Қобил Алихўжаев. —Кўприк қурилишида ўзига хос тажриба тўплаган кўприксозлар ва бошқа ёрдамчи пудратчилар ҳамжиҳатликда бир мақсад йўлида, яъни иншоотни тез ва соз бунёд этиш учун тер тўкишмоқда. Улар пешма-пеш етказиб берилаётган зарур қурилиш ашёларидан ҳамда 30 га яқин машина-механизм, замонавий қурилиш техникалари қувватидан унумли фойдаланишмоқда. Қурувчилар учун яратилган шарт-шароитлар меҳнат унуми ва иш сифати ҳамда суръатида яққол акс этмоқда.

Халқимизнинг «Кўприк қурган савоб олади» нақлига амал қилган кўприксозлар барча имкониятлардан оқилона фойдаланишмоқда. Шу ўринда қурилиш майдонида ғайрат-шижоат кўрсатаётган ва вазифаларини сидқидиллик билан уддалаётган Рамил Шарафиев, Алексей Леденёв, Абдусамат Узоқов, Эгамназар Холбоев, Олим Алиев, Ҳусан Икромов, Раҳмонберди Ҳайдаров ва бошқа кўплаб йўлсоз ва кўприксозлар номини фахр билан айтиш лозим.

Бунёдкорлар айни пайтда 2 сменада тинимсиз меҳнат қилар эканлар, ўз ишлари самарасини, яъни қайта бунёд этилган янги темир йўл кўпригини Мустақиллик айёми ҳамда пойтахтимиз Тошкентнинг шонли юбилейига муносиб туҳфалари эканлигидан фахрланадилар.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: айни кунларда кўприк қурилиши майдонида ишлар жадал суръатларда давом этмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## Қисқа сатрларда

• **БУГУНДАН** мамлакатимизда «Болани кўкрак сути билан боқиш» жаҳон ҳафталиги тадбирлари бошланди.

• **КЕЧА** Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинар-тренингда тадбиркорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирок этишди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт академиясининг 1-клиникасида **КЕЧА** шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбир «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори доирасида уюштирилди.

• **ЎТГАН** куни Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Греция — Хитой мотопойгачиларидан таркиб топган Тинчлик марафони вакиллари билан учрашув уюштирилди.

• **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалла гузарида Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан маҳалла фаоллари, ёшлари ҳамда шаҳримиздаги нотариал идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати автотранспорт воситаларини расмийлаштириш масалаларига бағишланди.

• **БУГУН** юртимизда, жумладан Тошкент шаҳрида табиатнинг ноёб ҳодисаси — Қуёш тутилишини кузатиш мумкин.

• **АЙНИ** кунларда Пекин Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган спортчилар сўнгги тайёргарлик жараёнида иштирок этишмоқда. «МҲСК» спорт мажмуасида бокс бўйича 7 нафардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари сўнгги ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишмоқда.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Бугун мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди. Унда 346 минг нафар абитуриент ўз билимларини синовдан ўтказди. 58 минг нафар ўсмир ва қиз республика олий ўқув юртлари бакалавриати талабалари бўлса, 19945 нафар ёшлар грантлар бўйича, қолганлар эса шартномавий асосда таълим оладилар.**

• **Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярми якунлари, мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, «Ниҳол» ва «Келажак овози» мукофотлари ғолибларини тақдирлаш маросимларини тайёрлаш, спортчиларимизнинг Олимпиадада муносиб иштирокини таъминлаш юзасидан олиб борилган ишларнинг якуни билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.**

• **Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва йириклиги жиҳатидан жаҳонда иккинчи бўлган «Sky Team» жаҳон авиация альянси делегацияси ўртасида авиакомпаниямизнинг альянсга аъзо бўлиши юзасидан музокараларнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди.**

• **Навоийда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши вилоят бўлими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ташаббуси билан ҳудуддаги туман ва шаҳарларда ўн кун давомида меҳнат бозорлари ўтказилди. Унда мавжуд бўлган 1926 та иш ўрнига асосан ёшлар қабул қилинди.**

• **Пастдарғом туманидаги Жума шаҳарчасида педагогика ва спорт йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қад ростлади. Мазкур коллеж қурилишига 2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, қурилиш-монтаж ишларини «Жайҳун» қурилиш-ишлаб чиқариш корхонаси бунёдкорлари амалга оширишди.**

• **Жиззахдаги «Ўрда» номли ёшлар экологик боғида «Рақслар гулшани» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда 36 нафар ёш истеъдод соҳиби ўз имкониятларини намойиш этди.**

• **Нукусдаги С.Хўжаниязов номли ёш томошабинлар театрида ёзувчи Тўлепберган Қаипберганов қаламига мансуб «Саҳро булбули» драмасининг премьераси бўлиб ўтди.**

• **Пешку туманидаги Деча, Зарафшон, Кодиравон, Янги ҳаёт қишлоқлари аҳолисининг яна бир орзуси мустақиллик байрами арафасида ушаладиган бўлди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида бир йўла иккита замонавий мактаб қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. 29-ҳамда 21-мактабларнинг янги биноларини тумандаги 202-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари бунёд этишмоқда.**

### ЖАҲОНДА

• **БМТ Хавфсизлик Кенгаши Африка Иттифоқи ҳамда БМТ қўшма тинчликпарвар кучларининг Суданнинг Дарфур музофотида бўлиши муддатини яна бир йилга узайтирди.**

• **АҚШ ва Исроил Эроннинг ядро қуроли ишлаб чиқаришига йўл қўймаслик чора-тадбирларини муҳокама этишди.**

• **Босния сербларининг собиқ етакчиси Радован Каражич кеча ўзига билдирилган айбловлар бўйича ҳеч қандай жавоб қайтармади ва халқаро трибуналда адвокатсиз ўз ҳуқуқларини ўзи ҳимоя қилишини билдирди. Энди унинг устидан сўроқ яна бир ойдан кейин — 29 август куни ўтказилади.**

• **Кеча АҚШнинг Миннесота штатида енгил самолётнинг ҳалокатга учраши оқибатида саккиз киши ҳаётдан кўз юмди.**

• **Бутунжаҳон банки Бангладешга 50 миллион АҚШ доллари миқдорида иқтисодий ёрдам беришга қарор қилди. Мазкур маблағнинг 2007 йилда мамлакатни ларзага солган тўфондан жабр кўрган оилаларга тарқатилиши режалаштирилмоқда.**

• **Россияда «Авиация-2008» халқаро авиация кўргазмаси очилди. Унда ўнга яқин мамлакатдан қирқдан зиёд фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашмоқда. Кўргазма доирасида авиация техникаси тараққиётига оид кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши режалаштирилган.**

• **Филиппинда иккита йўловчи ташиш автобуси тўқнашиб кетди. Полиция вакилларининг айтишларича, тўқнашув оқибатида 11 киши ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирда тўқнашув сабаблари аниқланмоқда.**

• **Ҳиндистонда баҳоси 10 АҚШ долларига тенг ноутбук компьютерлари ишлаб чиқарилди. Мамлакат технология ва илм-фан институтлари ҳамкорлигида бундай ноутбуклар Ҳиндистон таълим вазирлиги буюртмасига асосан яратилган. Унинг техник имкониятлари чекланган бўлсада, мактаб ва олий ўқув даргоҳларида ўқувчи ҳамда талабаларнинг яхши таълим олишида қўл келиши айтилмоқда.**

• **Япониянинг оптик технологияларини ишлаб чиқарувчи «Хамамацу Фотоникс» компанияси дунёда энг қисқа тўлқин узунлигига эга ярим ўтказгичли лазер ишлаб чиқара бошлади, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Мазкур янги технология ёрдамида юқори сиғимдаги рақамли дискларни тайёрлаш мумкин.**

*Маҳалла*

# ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

**МИРОБОД ТУМАНИДАГИ МАҲАЛЛАЛАР ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНДА, ҲАМИША «ОЛМАЗОР» МАҲАЛЛАСИ ФАХР БИЛАН ТИЛГА ОЛИНАДИ, УШБУ ҲАМЖИҲАТ ГЎШАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ИБРАТ ҚИЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.**

Маҳалла гузарида фуқаролар йиғини раиси Антонина Стенушкина билан суҳбатлашар эканмиз, бу ерда яшовчиларнинг ҳамжиҳат ва тотув бир оила эканлигига, бу борада фаолларнинг саъй-ҳаракатлари яхши самара бераётганига амин бўлдик.

— Маҳалламиз кўп қаватли уйлардан иборат бўлсада, — дейди Антонина Николаевна, — аҳоли фақатгина ўз хонадони эмас, балки умумий мулкни асрашга, барча юмушларни бамаслаҳат амалга оширишга интилади. Албатта, мақсад муштарак бўлган жойда, ютуқлар ҳам юзага келади, интилиш ҳам шунга яраша бўлади. 4 қаватли 21 та уйдан ташкил топган уйларимизнинг барчасида алоҳида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилган бўлиб, уларга «Добус-коммунал» бошқарув компанияси хизмат кўрсатади. Компания билан маҳалла идорасининг ёнма-ён жойлашгани ҳам аҳолига қулайлик бўлиб, юзага келган муаммоларни биргаликда ечишда ниҳоятда аҳамиятлидир. Президентимиз жорий йилни Ёшлар йили деб эълон қилдилар. Маҳалламизда ҳам ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Уларга доимо эътиборлимиз. Бўш вақтларини мазмунли ўтказишда, иш билан таъминлашда, маънавиятларини оширишда, спорт ва санъатга ошно этишда, оилаларни мустаҳкамлашда уларга кўмаклашамиз. Ёш оилалар қўрғонини барқарор этишда тўғри маслаҳатлар беришда яраштирув комиссиямиз фаолияти ибратлидир. Мана сизлар келишингиздан салгина аввал 2 та фарзанди бор ёш оилани муросага келтирдик, улар хурсанд бўлиб уйларига кетишди, бизнинг ҳам кайфиятимиз кўтарилди. Энг муҳими, бузилиш остонасидаги оила тикланди, болалар сарсон бўлмади.

Маҳаллада 2,5 мингта аҳоли яшайди, 1091 та хонадон мавжуд. Ишлар режа асосида ташкил этилганлиги боис бўлса керак, ушбу гўшада ободлик, тинчлик, хотиржамлик ҳукмрон. Мавжуд уйларда уйбоши, йўлакбошилар фаоллик кўрсатишади. 104 та йўлак таъмирланиб, барчасига темир эшиклар ўрнатилган. Уйларнинг қисмларини таъмирлаш ишлари йўлга қўйилди, 3 та болалар майдончаси қайта жиҳозланди.

Тадбирлар хусусида тўхталадиган бўлсак, маҳалланинг кундалик ҳаёти турли-туман тадбирларга бой. Жорий йилнинг ўтган даврида балоғат ёшидаги қизлар ва ёш келинчаклар билан 2-оилавий поликлиника шифокорлари учрашуви, йигитларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида туман мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликдаги мулоқотлар, ичиш, чекиш ва гиёвандликнинг зарари хусусидаги тадбирлар шулар жумласидандир. Шунингдек, 8 март байрамида 80 ёшдан ошган онахонларни, Хотира ва қадрлаш кунида кексаларни, Наврўз байрамида кам таъминланган оилаларни бир пиёла чой устида муборакбод этилганда, диллар яйраганини айтмайсизми. 31-мактабда пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга тайёргарлик борасида ўтказилган тадбир ҳам ниҳоятда қизиқарли кечди.

Мана, айни дамларда маҳалланинг турли миллат вакилларидан иборат аҳил оиласи Истиқлол шодиёналарини нишонлаш тараддудида. Уйлар ён-атрофлари озодалик ва кўркамлик касб этмоқда, болалар майдончалари тартибга келтирилмоқда, баҳорда экилган гул ва дарахтлар парвариши авжида. Энг асосийси эса амалга оширилаётган ишларнинг барчасида маҳалла оқсоқолига яшовчиларнинг камарбасталигидир. Шу боис бўлса керак, уларга кўпчиликнинг ҳаваси келади, маҳалладан ибрат олади.

**Шарофат БАҲРОМОВА**





**СУРАТЛАРДА: маҳалла фаоллари фаолиятидан лавҳалар**
**Азамат Аҳмедов олган суратлар**

Хартли Бут:

# «ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР УЧУН ЯНАДА ЖОЗИБАЛИ МАМЛАКАТГА АЙЛАНМОҚДА»

**ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА САВДО ВА САНОАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН-БРИТАНИЯ КЕНГАШИ ҲАМРАИСИ, «ЎЗБЕКИСТОН-БРИТАНИЯ» ЖАМИЯТИ РАИСИ, ДОКТОР ХАРТЛИ БУТ «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ.**

«Мен Буюк Британия билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-саноат алоқаларини ривожлантириш мақсадида тузилган кенгаш ҳамраиси сифатида юртингизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни диққат билан кузатиб бораман ва ўйлашимча, Ўзбекистоннинг эришган натижалари юксак баҳога лойиқдир, - деди Х.Бут. - Буюк Британия Савдо ва саноат вазирлиги Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштириш мақсадида мамлакатингизнинг қатор вазирлик ва идоралари билан шерикликни янада фаоллаштиришни мўлжаллаган.

Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистонда Британия сармоялари иштирокида тузилган қўшма корхоналарни қўллаб-қувватлашга интилади. Ўзбекистон ҳукуматининг эркин бозор рақобатини таъминлаш борасидаги сиёсати мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ёрдам бермоқда».

Британиялик жамоат арбобининг айтишича, Ўзбекистонга хорижий сармоядорларни жалб этишда мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. «Юртингизда эркин бозор иқтисодиётини яратиш борасидаги иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилгани сайин ишбилармонлар мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари ҳақида тобора тўлиқроқ ахборот олмоқда. Жумладан, улар Ўзбекистон табиий заҳираларга бой бўлиши билан бир қаторда юқори малакали кадрлар ҳамда қулай сармоявий муҳитга эга эканига ишонч ҳосил қилмоқда».

Х.Бут Ўзбекистонда ҳар бир янги йилни ижтимоий сиёсатнинг турли йўналишларига бағишлаш яхши анъанага айланганини таъкидлаб, 2008 йил мамлакатда «Ёшлар йили» деб эълон қилинганига эътибор қаратди.

Унинг фикрича, юртимизда таълим соҳасида, жумладан янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши борасидаги кенг кўламли ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ. «Ёшлар йили» доирасида Буюк Британия томони «Оксус Голд» компанияси томонидан молиялаштириладиган стипендия жамғармасини таъсис этди, - деди Х.Бут. - У келажакда тоғ-кон саноатида ишлашни истайдиган ёшларга олий ўқув юртларида таълим олиш имконини берувчи стипендиялар ажратишни назарда тутади. «Ёшлар йили» доирасида «Ўзбекистон-Британия» дўстлик жамияти ҳам ўзининг ёшлар қанотини очишни мўлжалламоқда».

«1 сентябрь куни Ўзбекистон халқи мамлакат мустақиллигининг 17 йиллигини кенг нишонлайди. Шу муносабат билан, шахсан ўзим ва Буюк Британиядаги кўплаб дўстларингиз номидан Ўзбекистон аҳлини ушбу қутлуғ байрам билан самимий муборакбод этаман. Келаётган йилларда Ўзбекистон эришган натижаларни янада мустаҳкамлаб, тараққиётнинг янгидан-янги чўққиларини забт этишига тилакдошман. Тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ доимий йўлдошингиз бўлсин!», - деди Хартли Бут суҳбат якунида.

# ОРОЛ МУАММОСИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИБОРИДА

**ЖЕНЕВАДАГИ БМТ АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ДАСТУРИ (UNEP) МИНТАҚАВИЙ ВАКОЛАТХОНАСИДА ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ ҲАМДА БУ ЕРДАГИ ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗГА БАҒИШЛАНГАН ФОТОКЎРГАЗМА ОЧИЛДИ.**

Тадбирда Дастур экспертлари, Қизил Ҳоч халқаро қўмитаси, Жаҳон метеорология ташкилоти, шунингдек бошқа қатор халқаро тузилмалар ҳамда Женевада аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Кўргазмада намойиш этилган суратлар иштирокчиларда катта таассурот уйғотди. Уларнинг фикрича, экспозиция Оролбўйи минтақасидаги экологик инқироз, унинг аҳоли, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсирини аниқ ва батафсил очиб беради.

БМТ Атроф-муҳит муҳофазаси дастурининг Европа мамлакатлари минтақавий идораси раҳбари Кристоф Бувьернинг таъкидлашича, Орол инқирози натижасида юзага келган мураккаб вазият минтақа мамлакатлари учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи халқаро муаммодир.

«Бизнингча, бу экологик инқироз хусусида бутун дунёда, жумладан қиркдан зиёд халқаро ташкилот қароргоҳи жойлашган ва нуфузли халқаро марказлардан ҳисобланган Женева шаҳрида ҳам билишлари жуда муҳим. Бинобарин, ушбу ташкилотларнинг аксарияти табиатни муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда фаолият юритиб, мазкур кўргазмада кўтарилган муаммога у ёки бу даражада дахлдордир, - деди К.Бувьер. – Илгари дунёдаги энг йирик тўртта ички сув ҳавзасидан бири ҳисобланган Орол денгизининг қуриб бораётганидан ташвишдамиз. БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси билан шуғулланувчи ташкилоти сифатида биз, биринчи навбатда, масаланинг экологик қирраларига эътибор қаратамиз.

-БМТ Атроф-муҳит муҳофазаси дастури тараққиёт, хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш ишларига жалб қилинган халқаро ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлайди. Биз Орол муаммоси халқаро эътибор талаб этади деб ҳисоблаймиз. Бунда эса БМТ Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари учун энг мақбул шерикдир».

К.Бувьер Орол муаммосини ҳал қилиш йўлларини излашда халқаро саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш ҳамда унинг салбий оқибатлари барча жиҳатларини атрофлича кўриб чиқишда кўп томонлама ёндошув зарурлигига эътибор қаратди.

**«Жаҳон» АА.**

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ
2200
2009, МАЙ
ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН, ҲАҚЛИ РАВИШДА «ШАРҚ ДАРВОЗАСИ» ДЕБ НОМ ОЛГАН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒУРУР-ИФТИХОРИ БЎЛМИШ АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙ РАМЗИ (ЭМБЛЕМАСИ)НИНГ ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАСИ УЧУН ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛГАН ЭДИ.**

# ДАСТЛАБКИ ТАКЛИФЛАР

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида ўтказилаётган мазкур танловнинг биринчи босқичида 23 иштирокчи жами 75 та лойиҳалари билан қатнашди. Танлов шартларига кўра ижодкорлар шаҳарнинг рамзи, қадимий ва замонавий обидаларини, умумий ва алоҳида кўринишларни акс эттириш ва аввало Тошкентнинг жаҳон маданий мероси даражасидаги тасвирий элементининг бадиий ифодасини яратишга ҳаракат қилганлар.

Яқинда Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида мазкур танловнинг биринчи якуний босқичи бўлиб ўтди ва танлов иштирокчиларининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилей рамзини ифода этган асарлари кўргазмаси намойиш этилди. Шуни таъкидлаш кераккки, мазкур танлов 4 сентябргача давом этиб, ғолиблар аниқланади ва муносиб тақдирланадилар.

Айтиш жоизки, танловда барча ҳаваскор ва профессионал ижодкорлар қатнашишлари мумкин. Танлов ҳайъати ғолиб деб топган энг яхши рамз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тадбирининг расмий эмблемаси деб тасдиқланади ва биринчи ўрин соҳиби пул мукофоти билан тақдирланади.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Фармон ва ижро*

# ЁШ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ФАРОВОНЛИК АСОСИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2007 ЙИЛ 18 МАЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ» ФАРМОНИ АҲАМИЯТИ ЖИҲАТИДАН ЖУДА МУҲИМ ДОЛЗАРБ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛИГИНИ БИЛИШ ҚИЙИН ЭМАС.**

Ушбу Фармон ёш авлодни, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга йўналтирилган. Фармонда аввало ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ёш оилаларга ўзига хос ғамхўрлик намунаси бўлган ушбу ҳужжатда, бир томондан ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши, иккинчи томондан мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, учинчи томондан эса, уй-жой ва маиший шароитни яхшилаб олиши учун амалий рағбат омиллари пойдевори мустаҳкамланганини эътиборлидир.

Ҳамза тумани ФХДЁ бўлимида ушбу Фармоннинг мазмун моҳиятини ёш оилаларга кенг тарғиб қилиш, улар учун яратилаётган имтиёзлардан фойдаланишда ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни ҳақида чуқурроқ маълумот бериш мақсадида катта тадбир ташкил этилди. Тадбирда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Нотариат ва ФХДЁ бўлими бошлиғи Г. Инамжонова, Ҳамза тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси А.Идрисова, АТИБ «Ипотекабанк» Ҳамза тумани филиали бошқарувчисининг ўринбосари Қ.Тангриберганов, Ҳамза тумани «Оила» маркази раҳбарлари қатнашиб, ўз маърузаларида ёш оилаларга кредит ажратиш йўллари ва бошқа имтиёзлардан унумли фойдаланиш йўл-йўриқлари ҳақида тушунтириш беришди.

Йиғилишда қатнашаётган кўпгина ёш оилалар ипотека кредити билан қизиқишди. Айтиш керакки, ипотека кўчмас мулкни гаровга олиш эвазига бериладиган қарз демакдир. Ипотека кредитининг ўзига хос муҳим хусусияти шундаки, қурилаётган ёки таъмирланаётган, сотиб олинаётган уй-жойнинг ўзи гаровга қўйилади. Демак, ипотека кредити олувчи қурилаётган ёки сотиб олинаётган уйда яшаб туриб, қарзини узоқ йиллар давомида тўлайди. Шу жиҳатдан, кредитнинг бу қулай тури уй қуриш ёки сотиб олиш учун маблағи етмаган ёш оила учун қанчалик катта мадад экани аён бўлади.

Юртбошимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган ипотека кредити тизими арзонлиги ва қулайлиги билан дунё мамлакатлари тажрибасида кам учрашини таъкидлаб ўтиш ўринли.

Банк одатда кредит олаётган шахснинг тўлов қобилиятини ўрганади, унинг барқарор иш ўрни ва даромадга эга эканлиги, даромад кредит ва унинг фоизларини белгиланган муддатда тўлаб бориш учун етарли эканлигини ҳисобга олиб, шундан кейингина кредит ажратади. Бу ўз навбатида, уй-жой муаммосини ҳал этишга бел боғлаган ёшларнинг муайян даражадаги даромад эгаси бўлишини талаб этади.

Тадбирда қатнашган ёшлар турли-туман саволлар билан мурожаат қилиб ушбу Фармондан мамнун эканликларини эътироф этдилар.

Энди бевосита туман ФХДЁ бўлими фаолияти хусусида тўхталадиган бўлсак, бўлим томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 479 та никоҳ қайд қилиниб, барча никоҳдан ўтувчилар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишган. Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли қарори асосида кўрсатилган 5 та касаллик бўйича никоҳланувчи шахсларнинг 16 тасида касаллик аниқланди.

Никоҳдан ажралганлик аввалги йилга нисбатан 21 тага камайган бўлсада, 60 та далолатнома ёзуви қайд қилинди. Аждодларимиз оилани жуда муқаддас санаганлар, ажралиш уёқда турсин оддийгина ғиди-бидиларнинг ҳам тезгина олдини олишга ҳаракат қилганлар. «Бир кун жанжал чиққан уйда 40 кун барака бўлмайди» деган мақолни ҳеч вақт унутишмаган. Қайсики, оилада жанжал бўлиб қолса, қариндош-уруғлар дарров бартараф этишган. Оила сири кўчага чиқмасин дейишган. Агар мабодо жанжал илдиз отса, маҳалла-кўйнинг аралашуви билан кўпгина оилаларни сақлаб қолиш мумкиндир. Кўпчилик катта куч, турмушимизнинг оғриқли нуқталарига ана шу катта кучгина зарур малҳамни қўйишга қодир. Демак, бундай хайрли ишга ҳар бир киши бош бўлиши зарур. Ана шундагина кишилар суд эшикларига бориб юрмайдилар.

Бу борада ФХДЁ бўлимимизда ҳам иложи борича ажримларнинг олдини олиш учун бор имкониятларимизни ишга солмоқдамиз. Никоҳдан ўтиш учун ариза берган ёшлар билан алоҳида бирма-бир суҳбатлар ўтказиб, мустаҳкам оила қуриш сир-асрорларини тушунтирамиз, оиланинг нақадар муқаддас даргоҳ эканлигини, уни авайлаб-асраш кераклигини уқдирамиз.

Юқоридаги фикрларни жамлаб айтиш жоизки, оила барқарорлигининг маънавий асосрлари Истиқлол туфайли халқимизнинг қайтарилган маънавий мероси, динимиз, эътиқодимиз ва Юртбошимиз бошчилигида юритилаётган инсонпарвар сиёсатдир. Соғлом авлодни камол топтириш, оилаларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳолатини кўтариш, оилаларни мустаҳкамлаш энг тўғри ва синалган йўлдир.

**Шоҳиста ПЎЛАТОВА,**
**Ҳамза тумани**
**ФХДЁ бўлими мудираси**

# ТАЛАБАЛАР ШИЖОАТИ

**«БУНЁДКОР-2008» ТАЛАБАЛАР МЕҲНАТ ГУРУҲЛАРИ ҚАТОР ЖАБҲАЛАРДА ФИДОКОРЛИК БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШМОҚДА. ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ТАЛАБАЛАРИ ҲАМ БУ БОРАДА ТЕНГДОШЛАРИДАН ОРТДА ҚОЛИШМАЯПТИ.**

Институтнинг юзга яқин талабаси Собир Раҳимов туманида барпо этилаётган кўпқаватли уйлар қурилишида бунёдкорларга яқиндан кўмаклашишмоқда.

—Институтнинг учинчи босқичида таълим оляпман,—дейди Улуғбек Муҳиддинов.—Талабалар меҳнат гуруҳидалигимдан хурсандман. Биринчидан, ёзги таътилдаги бўш вақтдан унумли фойдаланяпман, моддий томондан манфаатдор бўляпман, ҳунар ўрганяпман, иккинчидан, битирув малакавий ишим кўпқаватли уйлар борасида бўлгани учун, бу борадаги амалиёт мен учун жуда асқотяпти. Қолаверса, биз қурилишига кўмаклашаётган бино ёш оилалар учун мўлжалланганлиги ва бу хайрли ишда менинг ҳам озгина ҳиссам борлиги барчасидан қувончлидир.

Ушбу бунёдкорлик юмушларида иштирок этаётган талабалар учун барча шароитлар яратилган. Асосийси эса, талабалар ўқув жараёнида орттирган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашади, машаққатли меҳнат билан бунёд этилган бинолар қадрига етишади ва келажакда мустақил юртга муносиб етук кадрлар бўлиб етишишади.

**«Туркистон-пресс»**

# ШОТЛАНДИЯДА ЎЗБЕКИСТОН СЎЗАНАЛАРИ ЖИЛОСИ

**ШОТЛАНДИЯНИНГ ГЛАЗГО ШАҲРИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БОЙ МАДАНИЙ ВА ТАРИХИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА. ЖУМЛАДАН, «BURREL COLLECTION» МУЗЕЙИДА ОЧИЛГАН «ЎЗБЕКИСТОН СЎЗАНАЛАРИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЖИЛОЛАРИ» КЎРГАЗМАСИДА ЮРТИМИЗ КАШТАДЎЗЛАРИ ЎЗИНИНГ ҚАДИМИЙ САНЪАТИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА. МАЗКУР САФАР «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, БРИТАНИЯ КЕНГАШИ ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЛОНДОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Бухоролик Зулайҳо Каримова ҳамда нуроталик Рухсораой Тўрақулова жорий йил май ойида Китоб туманида бўлиб ўтган «Асрлар садоси» фестивали совриндорлари бўлгани боис, ўз маҳоратини Шотландия жамоатчилигига намойиш этиш имконини қўлга киритишди.

Айтиш жоизки, мазкур каштадўзларнинг бетакрор асарлари, матода акс этган бир-биридан гўзал нақшинкор безаклари амалий санъат ихлосмандларида доимо катта қизиқиш уйғотиб келган.

Зулайҳо опа ўн йиллик фаолияти давомида ўз шогирдлари билан Ўзбекистонда ва хорижда ўтказилган қатор йирик кўргазмаларда иштирок этди. Рухсораой опа эса ўзининг сержило безаклари, ёрқин нақшлари билан ажралиб турувчи Нурота каштадўзлик мактаби анъаналарининг муносиб давомчиси ҳисобланади.

Глазгода ўзбекистонлик каштадўзлар ўз маҳоратини намойиш этиш баробарида ушбу кўргазмага ташриф буюрган кўп сонли меҳмонларга миллий анъаналаримиз, халқимизнинг турмуш тарзи ва маънавий қадриятлари, мамлакатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром тўғрисида сўзлаб беришди.

Экспозиция ташкилотчиларининг сўзларига кўра, музейга Ўзбекистон ҳақида кўпроқ билишга иштиёқманд кўп сонли меҳмонлар Буюк Британиянинг турли шаҳарларидан мунтазам равишда ташриф буюриб турибди. Кўргазма доирасида ўтказилаётган тадбир Британия матбуоти, санъатшунослар ва кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Глазго мэри ўринбосари, шаҳар Маданият ва спорт агентлиги раҳбари Лиз Камерон хоним кўргазма ва ўзбек каштадўзларининг асарлари хусусида гапириб, мазкур тадбир Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи ва бой маданиятини ўзида акс эттираётганини таъкидлади. «Сўзаналарнинг жилоси ҳар бир кишини ўзига ром этиб, инсон қалбини нурга тўлдиради», - деди у.

«Burrel Collection» музейи директори Мюрел Кингнинг айтишича, ташкилотчилар лойиҳани режалаштириш жараёнида унга ўзбекистонлик ҳунармандларни жалб этишни кўзда тутган эди.

«Улар авлоддан авлодга ўтиб келаётган сўзана тўқиш усулларини пухта эгаллаган, - дейди Мюрел Кинг. – Музейимиздаги галереяда ўз маҳоратини амалда кўрсатаётган ўзбекистонлик каштадўзлар Глазго аҳолиси ва меҳмонлари билан учрашиб, сўзаналарни безатиш усулларини намойиш этдилар ҳамда улардаги услуб ва ранглар аҳамияти хусусида атрофлича сўзлаб бердилар».

«Burrel Collection» музейи Ислом цивилизацияси бўлими раҳбари Нура ал-Ғайлоний хонимнинг таъкидлашича, каштадўзлар намойиш этилаётган асарлардан ҳайратга тушган меҳмонлар билан фаол мулоқот қилмоқда. «Эътиборлиси, Британиянинг бир қатор минтақаларидаги маҳаллий каштадўзлар ўзбекистонлик чеварлар билан биргаликда ишлаш, ўз ғоя ва фикрларини ўртоқлашиш мақсадида музейимизга махсус ташриф буюрди», - деди ал-Ғайлоний хоним.

Музейнинг Ислом цивилизацияси бўлими катта илмий ходими Аллан Макдональд ўз фикрлари билан ўртоқлашиб жумладан шундай деди:

- Музейимиз ходимлари кўргазма меҳмонлари билан ҳар куни тематик суҳбатлар ўтказиб туришибди. Сўзаналар ҳақида ҳикоя қилиш уларга катта қувонч ва мамнуният бағишлаётгани айниқса қувонарлидир. Ўзбекистонлик чеварлар эса мураккаб қавиқларни бичиш, гўзал ва жозибали безакларни матога тушириш, ранг бериш ва безаш сирлари билан ўртоқлашмоқда. Сўзаналар тўғрисидаги қизиқарли ҳикоялар халқингиз анъаналари, урф-одатлари ва, умуман, Ўзбекистон ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитди. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатингиз халқини яқинлашиб келаётган қутлуғ байрам - Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги билан чин дилдан табриклайман, тинчлик, фаровонлик ва равнақ доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

**«Жаҳон» АА.**
**Глазго.**

